# КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИГА БАҒИШЛАНГАН КАТТА ТАНТАНАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Ҳалқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1 сентябрь, якшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 179 (1431)

# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГ МУБОРАК, ОНА-ЎЗБЕКИСТОН!

## МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ





***Юртимизда эрк шамоли эса бошлаганига, захматкаш халқимиз елкасига офтоб текканига — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган қутлуғ кунга беш йил тўлди. Бу тарихан қисқа вақт мобайнида юртимизда мислсиз ўзгаришлар рўй берди.***

Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси ўзгача латофат касб этди. Ўнлаб йирик саноат корхоналари бунёд этилди, равон йўллар, кенг кўчалар, сўлим хиёбонлар, она замин ноз-неъматларига тўла янги бозорлар ўлкамиз кўркига-кўрк қўшди. Муҳими, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгарди. Уларда некбинлик, эртанги порлоқ кунга — азиз юртимизнинг буюк келажагига ишонч туйғулари пайдо бўлди. Президент Ислом Каримов Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, биз энди беш йил аввалги одамлар эмасмиз...

Улуғ мустақиллик байрами республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида катта кўтаринкилик руҳида нишонланаётгани, халқимиз чексиз ғурур ва ифтихор билан бу кунни байрам қилаётгани ҳам шундан далолатдир.

Анъанага кўра, истиқлол байрамининг асосий тантаналари мамла-

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

**Ассалому алайкум, азиз дўстлар!**

**Муҳтарам меҳмонлар!**

**Азиз юртдошлар!**

**Бугун биз ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк ва мўътабар сана — Ўзбекистонимиз мустақиллигининг беш йиллигини нишонламоқдамиз.**

**Беш йил муқаддам эски мустамлакачи ва мустабид тузум кишанларидан халос бўлиб, озод ва обод ҳаёт қуришга, тараққий топган демократик давлатлар қаторида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашга қатъий азму қарор қилдик.**

**Беш йил башарият тарихида — бир зум, бир дақиқа, холос. Лекин шу қисқа даврда биз босиб ўтган масофа бошқалар ўн йиллар, балким асрлар давомида босган йўл билан тенг, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.**

**Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.**

**Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун, унинг миллати, дину эътиқодидан қатъи назар, тенг бўлиб яшаш, ягона уйимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг бугунги ва келажак ҳаётини қуриш имконини яратди.**

**Жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли дўстона алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлдик.**

**Гўзал ва бетакрор диёримизнинг улкан табиий бойлигидан, инсоний ва интеллектуал имкониятларимиздан тўлиқ ва, аввалямбор, ўз халқимиз манфаатлари учун оқилона фойдаланишга киришдик.**

**Иқтисодиётимизни ўзимизга хос, ўзимизга мос, бугун «Ўзбек модели» деб ном олган дастур асосида марказга қарам бўлиб хомашё етказиб берадиган бир ёқлама ҳолатдан чиқариб, замонавий тараққиёт йўлига ўтказмоқдамиз.**

**Тараққий топган давлатлар тажрибаси ва билими, уларнинг ёрдамига таяниб, шу билан бирга, ўз миллий хусусиятимизга ва халқ мафкурасига асосланиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини эъзозлайдиган янги демократик ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида анча ютуқларни қўлга киритдик.**

**Албатта, биз эришган натижалар — марралар, аввалямбор, оғир ва машаққатли меҳнат эвазига бўлаётганини яхши тушунамиз. Ҳали олдимизда не-не қийинчиликлар, муҳим синовлар турганини ҳам чуқур англаймиз.**

**Лекин мен бугун халқимизни ишонтириб айтмоқчиманки, беш йил ичида бошимиздан кечирган ҳаётимизнинг энг машаққатли, энг мураккаб дамлари ортда қолди.**

**Ўтган йили Мустақиллик байрамида, мана шу юксак минбарда туриб: «1996 йил Ўзбекистонимиз учун юксалиш йили бўлажак!» деб ишонч билдирган эдим.**

**Худога минг қатла шукроналар бўлсинким, бизнинг эзгу ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. 1996 йилнинг биринчи ярми якунлари шуни яққол кўрсатмоқдаки, бу йил, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимиз учун барқарор юксалиш ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиш йили бўлур, иншооло.**

**Азиз дўстлар, биродарлар!**

**Истиқлолнинг беш йиллик тарихи бизга кўп сабоқлар берди. Ақлимизни чархлади, кўзимизни очди. Ютуқлар қаторида камчиликларимизни ҳам кўрсатиб берди. Беш йиллик тажрибадан-якундан нафақат давлат миқёсида, балки ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман, ҳар қайси хўжалик ва ҳар қайси жамоа мисолида оқилона хулоса чиқариш — ҳаммамизнинг бугунги энг долзарб вазифамиздир.**

**Лўнда қилиб айтганда, эски замон асоратидан батамом қутулишимиз керак. Янги даврга муносиб бўлиш, дадил ва тадбиркор бўлиш, боқимандалик балосидан, мутелик ва қарамлик кайфиятининг қолган-қутган сарқитларидан халос бўлишимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Биз ҳаётимизда эркинлик ва демократия тамойиллари чин маънода устувор бўлишига эришмоғимиз даркор.**

**Ҳур жамиятни, эркин иқтисодни барпо этиш, инсон имкониятларидан тўла фойдаланиш, унинг қилган меҳнати, ақл-заковатига қараб нафақат моддий, балки маънавий баҳо ва рағбат бериш, бир сўз билан айтганда, халқимизни рози қилиш — бу масалалар устида ҳали кўп ишлашимиз керак.**

**Шу билан бирга: ҳар қайси жамият аъзоси ўз инсоний ҳуқуқларини, ўз имкониятларини тўла англаб олиб, ўзини мамлакатнинг ҳақиқий фуқароси деб ҳис қилган ва бугун қураётган жамиятимиз ҳаётида фаол қатнашиб, ўз Ватанидан, ўз заминидан, ўз тарихи ва халқидан фахрланиш туйғусига эга бўлган тақдирдагина биз ўз муродимизга етамиз. Ватан ҳамма нарсадан мўътабар ва азизлигини, унинг номини эъзозлашда улуғ бобомиз Амир Темур сингари шарафлаш зарурлигини англаб, Ўзбекистонга ўчмас муҳаббатни, садоқатни, фидойиликни дилга жо қилсак, иншоолло, кўзлаган ҳамма мақсадларимизга эришамиз.**

**Менинг энг катта ишончим ва умидим — бугун замонавий тарбия ва билим олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.**

**Мустақиллигимиз билан баробар туғилган болаларимиз бугун беш ёшга кирмоқда. Ҳадемай улар вояга етиб, камол топиб, бизнинг таянчимиз, ишончимиз бўлиб қолар, иншоолло.**

**Менинг эзгу тилагим:**

**Илоё, оналаримиз, боболаримиз ва бувиларимизнинг умрини берсин!**

**Ёш авлодга — кўзимизнинг нури бўлмиш азиз фарзандларимизга куч-қувват, ақл-заковат, ғайрат ва шижоат, битмас-туганмас омад доим ёр бўлсин!**

**Азиз ватандошларим!**

**Бу саодатли онларнинг сабабчиси — халқимизнинг фидокорона меҳнати ва мардлиги, сабру қаноати ва меҳру оқибати деб; эл-юртимизнинг эсон-омон, талафотсиз шу кунларга етиб келиши, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тотувлик ва бирдамлик ҳукм сураётганини Оллоҳнинг марҳамати ва буюк инъоми деб билмоғимиз керак.**

**Минг бора шукроналар бўлсинким, бугун Ўзбекистонимиз ўзининг салоҳияти ва куч-қудратини англаб, истиқболига ишониб, Ҳумо қуши каби қанотларини кенг ёзиб, янада буюк парвозлар сари отилмоқда.**

**Мана шу юксак минбарда туриб, заҳматкаш ва саховатли халқимизга, ёшу кекса инсонларимизга тасаннолар айтмоқчиман, таъзим қилмоқчиман.**

**Муқаддас Ватанимиз бахтига соғ-саломат бўлинг, азиз юртдошларим!**

**Барчангизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат, юртимизга — Ўзбекистонимизга файзу барака тилайман!**

**Истиқлолимизнинг беш йиллиги байрами муборак бўлсин!**

**Мустақил Ўзбекистонимиз абадул-абад турсин!**

**Эзгу ва ҳалол ишларимизга Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!**

# БОЗОР ТАЛАБИ – АСОСИЙ МЕЗОН

***31 август куни Президент Ислом Каримов раислигида республика Вазирлар Маҳкамасида мажлис бўлди. Унда Асакадаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида автомобиллар ишлаб чиқариш, сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш масалалари муҳокама этилди. Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, тегишли вазирлик, корпорация, уюшма, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.***

Асакада замонавий автомобиль заводининг ишга туширилиши мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди, деди Ислом Каримов. Уни саноатимизни олға етаклайдиган улкан кемага қиёслаш мумкин. Заводнинг самарали фаолияти Марказий Осиё ҳудудини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Халқимиз фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, Ватанимизнинг иқтисодий мустақилликка эришиши борасида, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон бутун ҳаётининг ўзгаришида муҳим аҳамият касб этади.

«ЎзДЭУавто» конвейеридан чиққан дастлабки машиналар аҳолига сотила бошлади. Лекин бу ишни самарали ташкил этиш, бир-биридан гўзал автомобилларнинг харидорлар қўлига вақтида етиб бориши учун кўп тадбирларни амалга ошириш лозим. Ҳар бир вазирлик, ҳокимлик, уюшма, идора ва ташкилотнинг бу борадаги вазифаси аниқ бўлмоғи зарур. Бунинг учун эса мазкур енгил машиналарга республикамизда умумий эҳтиёж қанча, қайси ҳудудга қанча «Нексия», қанча

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Қардош Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Халқларимиз қадимий ва мустаҳкам илдизлар, маданий, тил ва маънавий анъаналар билан боғланган. Ишончим комилки, Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверади.

Сизга, бутун ўзбек халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Сапармурод НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Сиз жаноби олийларига, Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва қардош халқига Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан қайноқ қутловларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Мен мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона алоқалар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ривожланаверишига астойдил ишонаман.

Марҳамат қилиб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва узоқ умр, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб билдираётган истакларимни қабул айлагайсиз, жаноби олийлари.

**Абдур Раҳмон БИСВАС,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Миллий кунингиз муносабати билан Сизга, ҳукуматингиз ва Ўзбекистон халқига шахсан ўз номимдан ҳам, Австралия ҳукумати ва халқи номидан ҳам табрик йўллашдан хурсандман. Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар янаги йилда ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверишига аминман.

Марҳамат қилиб, юксак эҳтиромимни қабул айлагайсиз, жаноби олийлари.

**Уильям ДИН,**
**Австралия Бош губернатори.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз мустақиллиги муносабати билан биз бу хуш имкониятдан фойдаланиб, Сизга энг яхши тилакларимизни йўлламоқдамиз. Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, шунингдек, Ўзбекистон халқига муттасил тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

**Қобус бин САИД,**
**Ўмон Султони.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Афғонистон ҳукумати, мусулмон афғон халқи ва ўз номимдан Сиз жаноби олийларини, ҳукумат аъзолари ва биродар Ўзбекистон халқини 1 сентябрь — Ўзбекистон халқининг мустақиллик ва миллий байрами муносабати билан муборакбод этишдан бениҳоя мамнунман.

Ишончим комилки, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар халқларимиз манфаати йўлида янада ривожланади.

Фурсатдан фойдаланиб, Худованди Каримдан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига равнақ тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Профессор Бурҳониддин РАББОНИЙ,**
**Афғонистон Ислом Давлати Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан энг қизғин табрикларимни қабул этгайсиз.

Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг йиллар синовидан ўтган тажрибаси бундан буён ҳам янги мазмун билан бойиши ҳамда давлатларимизда демократик, гуллаб-яшнаётган жамият қуриш борасидаги мураккаб вазифаларни ҳал этишга кўмаклашишига аминман.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, масъул давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, шунингдек, дўст ўзбек халқига бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат ила,

**Леонид КУЧМА,**
**Украина Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон мустақиллиги муносабати билан Сиз жаноби олийларига Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллайман, мамлакатингиз ва халқингизга эса — тараққиёт ва равнақ тилайман.

**Эзер ВЕЙЦМАН,**
**Исроил Давлати Президенти.**

# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГ МУБОРАК, ОНА-ЎЗБЕКИСТОН!

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

катимиз пойтахтидаги Мустақиллик майдонида ўтади.

31 август оқшоми. Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан, Марказий Осиё, МДҲ давлатлари, хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар, Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

Майдон маркази эртаклар оламига ўхшайди. Минглаб чироқлар ранго-ранг нур таратиб, истиқлол кунимизни қутлаётгандек. Байроқлар улкан чаманзорни эслатади. Майдоннинг атрофида нурлар билан ёзилган улкан «5» рақамлари дилга ғурур бахш этади. Она диёримиз Ўзбекистонни улуғловчи қўшиқ янграйди.

Майдонга республика Президенти Ислом Каримов кириб келади. Бу ерга йиғилганлар юртбошимизни юксак ҳурмат ва эҳтиром ила кутиб олади.

Давлатимиз раҳбари байрам қатнашчилари, улар сиймосида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат этиб, муборак мустақиллик куни билан қутлайди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Осмонга отилган мушаклар ранго-ранг олов шарлари ҳосил қилади. Майдон тўрида чироқлар порлаб, юртимиз байроғи намоён бўлади.

Ўтган беш йил тарихимизда ўчмас из қолдирди. Ўтиш даврининг мураккабликларига қарамай, пахта ўлкаси — Ўзбекистон ёқилғи-энергия, ғалла мустақиллигига эришди. Мисли кўрилмаган қисқа вақтда Асакада қурилган «ЎзДЭУавто» корхонаси конвейеридан чиқаётган машиналаримиз иқтисодий қудратимизни бутун оламга кўрсатди. Бундай ютуқларимиз кўп ва улар истиқлолимизнинг, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки натижасидир.

Байрам тантаналари бошланади.

Эртасини ўйлаган юрт, буюк давлат барпо этишни ният қилган халқ, энг аввало, келажак авлод тўғрисида қайғуради. Шу маънода, республика раҳбарияти келажагимиз ворисси бўлган болаларни ҳар томонлама камол топтириш, уларнинг замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар, ватанига содиқ фарзандлар бўлиб улғайиши йўлида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизда таъсис этилган биринчи орденнинг «Соғлом авлод учун» деб аталишида ҳам теран рамзий маъно бор. Зотан, бозор муносабатларига ўтиш шароитида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали оилаларга моддий ёрдам бериш — Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан биридир. Буни ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида кўриб, ҳис этиб турибди.

Майдонга юзларида бахт нури балқиб турган болалар кириб келади. Борлиқни уларнинг шодон кулгилари тутади. Улар бахтли болалик, мўътабар онани улуғловчи қўшиқларни ижро этади. Ўзбекистондек буюк давлатга муносиб фарзанд бўламиз, деб ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор этади. Зеро, меҳр кўрган — бемеҳр бўлмас, деган ҳикмат бор. Болаларнинг ҳар бир қўшиғи, ҳар бир рақсида ана шу эзгу туйғулар акс этади. Томоша келажакда мамлакатимиз эгаси бўлишга муносиб комрон авлод етишиб келаётганидан дарак беради.

Мустақиллик шарофати билан биз не-не буюк зотларнинг ворислари эканимизни англадик. Таъбир жоиз бўлса, ҳақиқий ватанимизни танидик. Имом Бухорий, Нақшбанд, Ат-Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Мирзо Бобур каби буюк бобокалонларимиз билан фахрланиш бахтига муяссар бўлдик. Ватанимиз, унинг битмас-туганмас бойликлари ўзимизники бўлди. Бу эса юрагимиздаги ватанга муҳаббат туйғуларини янада оширди. Ҳадиси шарифда айтилган «Ватанни севмоқ — иймондандур» деган сўзларнинг асл маъносини англаб етдик.

Майдонда буюк қадриятларимизни, ватанимизни улуғловчи қўшиқлар таралади. Бу қўшиқларда элим деб, юртим деб ёниб яшаганларни Оллоҳ доимо қўллайди, деган сўзлар бор.

Туркистонни салобатли чинорга қиёслайдилар. Унинг шохлари эса шу заминнинг асрлар бўйи иноқ яшаётган халқларидир. Бу азим чинорнинг илдизи эса битта. Шу боис ҳам ўзбегу қозоқ, туркману қирғиз ҳамда тожик «Туркистон — умумий уйимиз», дейди.

Диёримизда 120 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек оға-ини бўлиб яшаб келмоқдалар. Мустақиллик даврида қабул қилинган Конституциямиз барчага, дини, тили, миллатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ берди ва улар бундан руҳланган ҳолда елкама-елка туриб Ўзбекистоннинг фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон — ягона ватанимиз, умумий хонадонимиз, демоқдалар.

Бу ҳақиқат, бу муқаддас туйғу турли миллат вакиллари уйғур, корейс, рус, қозоқ, тожик ва бошқа тилларда куйлаган қўшиқларда ўз тажассумини топди. Айниқса, барча миллат вакилларининг бир бўлиб жўрликда қўшиқ куйлаши, рақсга тушиши юртимиз фуқароларининг бирлиги ва тотувлигини бутун оламга намоён этгандек бўлди. Улкан саҳна кўп миллатли халқлар оға-ини бўлиб яшаётган диёримиз рамзига айланди.

Ёш мустақил давлат учун ўзини жаҳон майдонида намоён этиш осон эмас. Элни, юртни жаҳонга, аввало, унинг халқи, фидокорона бунёдкорлик меҳнати, иқтисодиёт борасидаги ютуқлари, қолаверса, шу халқдан етишиб чиққан адабиёт ва санъат намояндалари, спорт юлдузлари танитади. Мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий юксалиш учун яратилган шароит ана шундай фарзандлар етишиб чиқишига замин бўлади. Шу мақсадда республика раҳбарияти сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш баробарида, мамлакатимизда фан, маданият ва санъат, спортни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Қисқа давр мобайнида юзлаб спорт иншоотлари — стадионлар, теннис кортлари, сув ҳавзалари қурилди. Мавжудлари обдон таъмир қилинди.

Кўплаб жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон вакиллари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ватанимиз довруғини дунёга таратди. Футболчиларимизнинг XII Осиё ўйинларидаги муваффақияти, Лина Черязова, Артур Григорян каби юртимиз вакилларининг оламшумул ютуқлари шулар жумласидандир. Уларнинг ғалабалари шарафига юртимиз байроғи кўтарилгани, давлатимиз мадҳияси янграгани ҳар бир ватандошимизнинг кўксини тоғ қилди.

Шу йил Американинг Атланта шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида илк бор Ўзбекистон вакиллари мустақил жамоа сифатида иштирок этди. Бу ҳам истиқлолнинг яна бир шарофати эди. Курашчи А. Богдасаров, боксчи К. Тўлаганов каби ватандошларимиз дунёнинг ман-ман деган спортчилари билан тенгма-тенг курашиб, илк Олимпиада медалларига сазовор бўлдилар. Мамлакатимизда спорт ривожига катта ғамхўрлик қилинаётганини, яқин орада бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси янада ёрқинроқ намоён бўлишини бутун оламга кўрсатдилар.

Шу маънода, Халқаро олимпиа қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч, Халқаро теннис турнирлари ташкилотчиси Сассон Какшурининг байрамга ташриф буюргани ҳам бежиз эмас.

Тошкент кўплаб нуфузли халқаро мусобақалар ўтказиладиган шаҳарга айланиб бормоқда. Эртага «Президент кубоги» учун анъанавий теннис мусобақалари бошланади. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган кучли спортчилар иштирок этади.

Майдонга олимпиадачиларимиз кириб келади. Байрам қатнашчилари уларни қизғин олқишлайди.

Ҳар қандай давлат жаҳон майдонида ўз манфаатларини ҳимоя қила олиши керак. Шу маънода, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш, халқимиз тинч, фидокорона меҳнат қилиши учун барча шароитни яратиб бериш мақсадида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу борада миллий армиямизнинг етарли даражада куч-қудратини таъминлаш, унинг тинчлигимиз посбони бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий армиямиз аскарлари — мавжуд қўшин турларининг вакиллари майдонга кириб келади. Улар шаҳдам одимлари, моҳирона ҳаракатлари билан мустақиллигимиз посбонлари эканликларини намойиш этадилар.

Дарҳақиқат, республика раҳбарияти Қуролли кучларимиз жанговар қобилиятга эга бўлиши, ватан, истиқлол ҳимоясига тайёр туриши учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Уни аскарларимизнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги Америкада бўлиб ўтган ҳарбий машқларда иштирок этганидан ҳам билиш мумкин. Қолаверса, мустақиллик йилларида бизнинг армияга бўлган муносабатимиз ҳам кескин ўзгарди. Армия учун зарур мутахассисларни тайёрлайдиган ўқув юртлари очилди. Ҳарбий академия ташкил этилди. Бизнинг ҳарбий қудратимизни дунё миқёсида эътироф эта бошладилар. Чунончи, бизда қадимий жанговарлик мактаби мавжуд. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳарбий санъати бутун дунёда ўрганилаётгани сир эмас.

Ҳарбийлар қўлида байроқлар мағрур ҳилпирайди. Бу аскарларимиз Ватанимизнинг ҳар бир қарич тупроғини, халқимизнинг осуда ҳаёти ва меҳнатини ҳимоя қилишда ўз жонларини ҳам аямасликларини ифода этади. Зеро, байроқ юрт ва халқ тимсолидир. У музаффар ҳилпирар экан, демак, шу байроқ тимсолидаги халқ ва Ватан келажаги ҳам абадийдир. Бизнинг аскарларимиз жаҳоншумул саркарда Темур авлодлари — озод юрт фарзандларидир.

Байрамда республикамиз вилоятларидан келган санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Маълумки, Хоразм ва Зарафшон воҳаси, Фарғона водийси санъати ўзига хос мазмун ва жилога эга. Бу қадимий маданиятимиз ва санъатимизнинг жозибадорлигидан дарак беради. Саҳнада ижро этилган куй ва қўшиқларда, рақсларда ана шу хилма-хиллик намоён бўлди. Санъаткорлар руҳимизга ҳар бир вилоятнинг ўзига хос нафасини олиб кирдилар. Барча жам бўлиб ижро этган рақс эса Ўзбекистоннинг ягона ва яхлитлигидан дарак берди.

Майдонга буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари кириб келадилар. Бу зотни жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган элчилар мунтазирлик билан кутмоқда. Соҳибқирон уларга мурожаат қилиб, одамлар ва мамлакатлар ўртасида дўстлик ҳамда биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашга чорлайди. Ватанимизда қарор топган тинчлик, осудалик шароитига ишора қилгандек, ғурур билан дейди: бу юртда бирор кимса бошида бир товоқ жавоҳир билан ўлка айланса, минбаад, унинг бирор донаси йўқолмагай!

Бу, қадимда юртимизда инсонпарварлик, ҳақиқатпарварлик, ҳалоллик фазилатлари нақадар нуфузли бўлганига, ҳозирда ҳам давлатимиз раҳбари фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, жиноятчиликнинг илдизини қуритиш борасида кўраётган чора-тадбирларга ишорадир.

Шу маънода, мамлакатимизда ҳақиқий фуқаролар тенглиги ва даҳлсизлигига асосланган маърифий ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлида саъй ҳаракатлар қилинмоқда. Биз бу йўлда тарихий қадриятларимиз ва илғор жаҳон тажрибасидан оқилона фойдаланишни афзал биламиз.

Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган. Бу ердан жаҳоннинг турли мамлакатларига бойлик ва маънавият элтувчи йўллар ўтади. Ҳозирги дунёда ҳеч бир мамлакат бошқа давлатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўймай туриб ривожлана олмайди.

Ўзбекистон бугунги кунда бутун дунё учун очиқ. Дунё ҳам Ўзбекистон учун очиқдир. Мамлакатимизда чет эл сармояси иштирокида юзлаб корхоналар ишламоқда. Асакадаги «ЎзДЭУавто», Навоий вилоятидаги «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхоналари, Хоразмдаги «Мерседес-Бенц», Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, «Алькатель», «ДЭУтелеком», «Сименс», «Ай-Би-Эм» каби фирмалар биз билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Улар Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий салоҳиятини, халқимизнинг меҳнатсеварлик ва бағрикенглик хусусиятларини бутун дунёга овоза этмоқда.

Мустақиллик майдонидаги тантаналар миллий қадриятларимизнинг, илмий ва иқтисодий салоҳиятимизнинг, бетакрор санъатимизнинг, бир сўз билан айтганда, истиқлолу истиқболимизнинг ёрқин намойишига айланди. Танлаган йўлимиз тўғри эканидан, у халқимизга маъқул тушаётганидан, бу эса Ватанга муҳаббат ва меҳр туйғуларини янада жўш ураётганидан далолат берди. Ҳар биримизнинг қалбимизда мана шу Ватанни кўз қорачиғидек асраш, унга сидқидилдан хизмат қилиш туйғуларини зуҳур этди.

Ранго-ранг мушаклар юракларимиздаги ҳаяжон ва ғурурни ифода этгандек юксакка отилиб, осмонимизни безади. Унинг заррин, покиза нурлари мустақил Ватанимизнинг ёруғ келажагини акс эттираётгандек...

Истиқлол байраминг муборак бўлсин, азиз Ўзбекистон!

Байрам тантаналарида республика Олий Мажлиси Раиси Э. Ҳалилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**Аҳмад ХЎЖА (ЎзА).**

# БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ

***Халқимизнинг қутлуғ байрами — мамлакат мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номига меҳнат жамоалари ва фуқаролардан табрик ва қутловлар олинмоқда. Уларда юртимиз равнақи, халқ фаровонлиги, фарзандлар камолоти йўлидаги тинимсиз меҳнат учун республика раҳбариятига самимий миннатдорлик изҳор этилган.***

**Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!**

Ассалому алайкум. Давлатимизнинг қутлуғ байрами — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги билан Сизни чин қалбдан табриклайман. Сизга, сафдошларингизга сиҳат-саломатлик тилаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Сизнинг донолигингиз, мардлигингиз, одамийлигингиз учун, халқимиз ва ҳар биримизнинг тинчлигимиз ва фаровонлигимиз йўлида зўр қатъият билан қилаётган меҳнатингиз учун раҳмат.

Мен Сиз ўтказаётган йўлни, Сиз амалга ошираётган изчил сиёсатни астойдил қўллаб-қувватлайман.

Чуқур ҳурмат билан:

**Василий СЕРГЕЕВ,**
**пенсионер, иккинчи жаҳон уруши II-гуруҳ ногирони, Тошкент шаҳри.**

***

**Ҳурматли юртбошимиз!**

Республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан мактабимиз ўқувчиларининг самимий табрикларини йўллайман!

Биз кундалик турмушимизда бемалол билим олишимиз учун етарли шарт-шароит яратиб бериш борасидаги ғамхўрлигингизни ҳис этиб турибмиз. Ўқитиш соҳасининг такомиллашиб бораётганлиги, ўқитувчилар малакаси ортиб бораётганлиги билимларни янада чуқурроқ эгаллашимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизни қувонтирадиган яна бир муҳим воқеа шуки, бир неча ўн йиллардан бери қурилиши тугалланмай келган мактабимиз фойдаланишга топширилди, энди тоза ва шинам хоналарда билим олишга муяссар бўлдик.

Биз астойдил ўқиб, республикамизнинг муносиб кишилари бўлиб етишиш учун ҳаракат қиламиз.

**Умида АҲМЕДОВА, мактаб ўқувчиси,**
**Яндама қишлоғи, Тўрақўрғон тумани, Наманган вилояти.**

***

**Қадрли Ислом Абдуғаниевич!**

Сизни Тахтакўпир тумани кўпмингкишилик қоракўлчилар жамоаси номидан давлатимиз мустақиллигининг беш йиллиги байрами билан табриклайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва омонлик тилаймиз. Биз мустақил мамлакатимиз халқлари фаровонлиги йўлида амалга ошираётган сиёсатингизни маъқуллаймиз ва қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурмат билан,

**Самбой ҚОШМУРОТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси.**

***

**Қадрли Ислом Абдуғаниевич!**

Республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги арафасида ўзимнинг, оиламнинг ва 1 сентябрда 3 ёшга тўлаётган набирам Ислом Жусиповнинг самимий табригини қабул қилгайсиз. Республикамиз мустақиллиги куни туғилган набирамизнинг ҳам мамлакатимиз каби келажаги порлоқ эканига ишончимиз комил.

**ҚОЖАХМЕТОВлар оиласи. Навоий вилояти, Томди тумани.**

***

**Ассалому алайкум, ҳурматли ва азиз Ислом Абдуғаниевич!**

Ўзбекистонда олиб бораётган тинчлик ва осойишталик сиёсатингиз биз, оддий фуқароларни ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тинч ва осойишта яшашимиз кафолати бўляпти. Мен ўн икки фарзандни вояга етказдим. Уларнинг барчаси мустақилликни мустаҳкамлашга кучи етганича ҳисса қўшиб, фойдали меҳнат билан шуғулланмоқда. Худога шукурки, ҳаётимиз кундан-кун яхшиланиб, юксалиб боряпти.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Сизни мустақиллигимизнинг беш йиллиги билан 42 нафар фарзандим, невара ва эвараларим номидан қизғин ва самимий муборакбод этаман.

Сизга сиҳат-саломатлик, тинчлик, узоқ умр тилаб, халқимиз учун ҳамиша энг азиз ва меҳрибон йўлбошчи бўлиб қолишингизни Аллоҳ таолодан тилаймиз!

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Анабиби БЕКЧОНОВА, Қаҳрамон она. Қўшкўпир тумани, Хоразм вилояти.**

# БОЗОР ТАЛАБИ — АСОСИЙ МЕЗОН

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

«Дамас» ва қанча «Тико» русумли машина зарур, деган саволларга жавоб топишимиз даркор.

Тўғри, биз бу ҳақда завод лойиҳалаштирилаётган пайтдаёқ ўйлаганмиз, унинг ишлаб чиқариш қувватини шунга қараб белгилаганмиз. Лекин бугунги кунда бу масалаларга бефарқ қараб бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, завод ишлар экан, унинг ўзига яраша катта-кичик муаммолари бўлади. Аммо айрим вазирлик ва ҳокимликларнинг раҳбарлари ўзларини бу ишга алоқаси йўқдек тутмоқдалар. Гўё завод муаммолари билан унинг ўзигина шуғулланиши керак. Бу корхона мамлакатимизнинг, халқимизнинг фахри экан, унинг равнақи ҳақида ҳар биримиз қайғуришимиз даркор, деди Президент.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос талаблари бўлади. Шулардан энг муҳими — бозорнинг талаб ва эҳтиёжини ўрганиш, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини белгилашда уни ҳисобга олишдир. Ҳатто машина қайси мамлакатга экспорт қилинса, уни ана шу ҳудуднинг иқлими, шароити, йўллари, ҳатто аҳолисининг анъана ва руҳиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқаришни шунга мослаштириш лозим бўлади. Афсуски, республикамиздаги савдо, хизмат кўрсатиш, банк соҳаларининг мутасаддилари бу иш билан жиддий шуғулланмаяптилар. Оқибатда харидорлар эҳтиёжи етарли даражада қондирилмаяпти.

Машиналаримизни харидорга кўрсатиш, уларнинг қуввати, техник жиҳатдан афзалликларини намойиш этиш, уларни сотиб олиш борасида берилаётган имтиёзлар билан таништириш йўлида қилинаётган ишлар талаб даражасида эмас. Хусусан, бизда машина сотиб олувчиларга етти йил муддатга кредит берилмоқда. Бу ҳам аҳолига яратилган қулайликлардан биридир.

Ана шундай ишларни тарғиб этишга, моҳиятини очиб беришга матбуот ходимлари ҳам фаол киришмоғи лозим. Телевидениеда мунтазам кўрсатувлар ташкил этиш, уларда мутахассисларнинг чиқишларини уюштириш даркор.

Биз эмиссия масаласида кўп гапирамиз. Эмиссия — товар билан қопланмаган, аҳоли қўлида ҳаракатсиз ётган нақд пул, демакдир. Уни пасайтириш ҳақида кўп гапирамиз-у, ҳамиша ҳам аниқ чора-тадбирлар кўрмаймиз. Хусусан, мана шу машиналарни харидорга етказиб бериб, унинг пулини банкка қайтариш эмиссияни қисқартиришнинг энг тўғри йўлларидан бири эмасми?

Кейинги пайтда «ура-ура»чиликка берилувчилар кўпайиб кетганга ўхшайди. Келажаги буюк Ватанимга хизмат қиламан, халқимга садоқатлиман, деяверишўрнига ана шу фидойилик ва садоқатни амалий иш билан исботласин.

Бугунги кунда Ўзбекистонга турли русумдаги чет эл машиналари келтирилмоқда. Буни тартибга солиш, ҳисоб-китобини қилиш Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Божхона раҳбарларининг энг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзимизда автомобиль заводи бўла туриб, бировлардан қолган эски машиналарни юртимизга олиб келиш шартми? Халқда «Эскини ямагунча эсинг кетади» деган нақл бор. Ўша эски машинани ҳар йили таъмирлашга кетадиган пулга янгисини сотиб олиш афзал эмасми? Бу маданиятга ҳам тўғри келмайди-ку! Қани, миллий ғуруримиз, ватанпарварлик туйғуларимиз қаерда қолди? Қолаверса, давлат ўзини, ўз бозорини эски-туски ашқол-дашқоллардан ҳимоя қилиши керак.

Шўро даврида дефицит деган бир касаллик бўларди, деди Ислом Каримов. Агар у бўлмаса, сунъий равишда ҳосил қилинарди. Бу эса айрим муттаҳамларга машиналарни тақсимлаш, ҳатто рангги учун пора олиш имконини берарди. Ўша эски замон услубига ўрганган баъзи одамлар ҳали ҳам қайси вилоятга қанча машина ажратилиши юқоридан белгилаб берилади, деб кутиб турганга ўхшайди. Чунки уларга ўз манфаатини қондириш учун дефицит керак. Улар ҳамон харидор етти букилиб таъзим қилиши ва пора беришини қўмсайдилар. Бу кайфиятдан, бу эскилик сарқитидан қачон халос бўламиз? Улар шуни тушуниб етишлари керакки, энди харидор сотувчи олдига бормайди, балки сотувчи ўз маҳсулотини каму кўстини тўғрилаган ҳолда харидорга тақдим этади.

Халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг кўп қисми техника билан муомала қилишни яхши билади. Уларни қайта ўқитишга ҳожат йўқ. Трактор ҳайдашни билган одам машинани ҳам бемалол бошқара олади.

Ўзбекистонда уч миллион 600 минг оила мавжуд. Ҳар бир оилада ўрта ҳисобда 2-3 киши даромад топади. Халқимизнинг анъанага айланган одатига кўра, катта-катта буюмлар, хусусан, уй ёки машина оила аъзоларининг бир-бирига кўмаклашиши орқали сотиб олинади. Шу одатимизни инобатга олсак, юқорида айтилган оилаларнинг камида 50 фоизи машина сотиб олиши мумкин. Бизнинг халқимиз учун ҳам бозорга аравада эмас, машинада борадиган пайтлар, шукрки, етиб келди, деди Президент.

Ҳокимликлар, автомобиль саноати, савдо ташкилотларининг вазифаси шундаки, биз «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган машиналарни сотиш, уларга хизмат кўрсатиш шохобчалари тармоғини кенгайтиришимиз керак. Токи, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда бу машиналарни сотиб олиш мумкин бўлсин. Катта магистрал йўллари бўйлаб ҳайдовчи ва йўловчилар ҳордиқ чиқариб ўтадиган кемпинглар, сервис пунктлари, яъни манзилгоҳлар, қўналғалар ташкил этилиши керак.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади хомашё етиштиришдан рақобатга дош бера оладиган тайёр маҳсулот билан дунё бозорига чиқишдир. Бу нафақат автомобилсозлик, балки халқ хўжалигимизнинг барча соҳасига тегишлидир. Бу — қийин, мураккаб йўл. Лекин биз иқтисодий бақувват, маънавий юксак, келажаги буюк давлат қуришни ният қилган эканмиз, бу йўлдан бир қадам бўлсин, ортга чекинмаймиз.

Мажлисда айрим ҳокимлик, вазирлик, уюшма ва ташкилот раҳбарларининг муҳокама этилган масала юзасидан ахборотлари тингланди. Уларга «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг самарали ишлашини таъминлаш, жойларда автомобилларни сотиш, уларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Радио ва телевидение, матбуот вакилларига бу борада тарғибот ишларини кучайтириш тавсия этилди.

Мажлисда республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, В. Голишев, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

**(ЎзА).**

# НЕФТЬ-ГАЗ МАЖМУИ: ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИДА

***Республика нефть ва газ саноати ходимлари сентябрнинг биринчи якшанбасида ўз касб байрамларини нишонлайдилар. Бу йил бу байрам шонли санага — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига тўғри келгани рамзий маънолидир.***

Давлатимизнинг стратегик жиҳатдан муҳим ресурсларини қазиб чиқарувчилар ана шу мустақилликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшишга ҳаракат қилишмоқда.

30 августда пойтахтдаги «Туркистон» саройида тармоқ ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Тантанада сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов тармоқ ходимларига Президентнинг самимий табригини етказди ва Ўзбекистон раҳбари давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга нефть-газ саноати ходимлари қўшаётган ҳиссани юқори баҳолаганини таъкидлади.

Йиғилиш иштирокчилари, нутқларида мустақил Ўзбекистон раҳбарияти стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган энергетика хомашёсини қазиб чиқаришни қисқа муддатда анча кўпайтириш учун ҳамма шароитни яратаётгани айтилди. Республика нефть-газ тармоғи юксалмоқда: янги газ ва нефть конлари қидириб топилмоқда ва ишга туширилмоқда, ер ости бойликларини қидириш, қазиб чиқариш ва қайта ишлашнинг янги усуллари жорий этилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизнинг илмий-техникавий имкониятларидан фойдаланилмоқда, жаҳондаги етакчи фирмалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Шу билан бирга, йиғилиш иштирокчилари ҳал қилинмаган масалалар, мустақил мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим бу тармоқни янада юксалтириш йўллари тўғрисида гапирдилар.

**А. ХАЛИФАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

